

Камбағаллик қисқариб, ҳар бир уйда файз-барака ортяпти

2-с.

Мустақил ҳаётга тайёрлаш учун ҳар бир ёшни астойдил тингламоқ керак



4-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 ЙИЛ
30 НОЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№77
(2215)

WWW.UZMAHALLA.UZ

КУН НАФАСИ

Ҳар бир маҳаллада 100 та хонадон лимон ва узум кўчати экади

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказилди.



Қайд этилганидек, ҳар бир маҳаллада камида 100 тадан хонадонга лимон, узум кўчати тарқатилади, кўчалар ва кўп қаватли уйлар атрофида аҳолининг ташаббуслари асосида камида 10 миллион туп узум экилади.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида 164 та қишлоқ туманларининг 4 тадан маҳалласига минитехника берилиши белгиланди. Ким мини трактор хизмат кўрсатса, ўзини ўзи банд қилган бўлади ва уларга мамлакатимизда чиқадиган техника учун 30 миллион сўмгача гаровсиз кредит тақдим этилади.

Бу ишларга фаол киришган аҳоли, фермер ва кластерларга катта енгилликлар берилади. Хусусан, “Оилавий тадбиркорлик” дастуридаги 100 миллион сўмгача бўлган кредитлар соддалаштирилган тартибда ажратилади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Маҳалла еттилиги” тавсияси асосида камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга ипотека кредитини ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.



ЭРТАГА — 1 ДЕКАБРЬ:

“ЕТТИЛИК” ТАВСИЯСИ УЧУН АРИЗАЛАР ҚАБУЛИ БОШЛАНАДИ

Унга кўра, якка тартибдаги уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш мақсадлари учун **20 йилгача муддатда,** Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоиз бандга юқори ставкада билан **120 миллион сўмгача** миқдорда ипотека кредити ажратилади.

Дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун — ажратиладиган кредитнинг **15 фоизи,** фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун — кредит муддатининг биринчи беш йили давомида **12 фоиздан** ошган қисмига субсидия тўланади.

Кредит **“маҳалла еттилиги”** тавсияси асосида берилади, тавсия олиш учун “еттилик”ка мурожаат қилиш лозим. Ариза **икки иш куни** ичида кўриб чиқилади ва тавсия берилиши ёки рад этиш сабаби кўрсатилган ёзма хулоса тақдим этилади.

Ипотека **Камбағалликдан чиқариш индивидуал дастури**га киритилган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож шахсларга берилади. Субсидиялар **subsidyplatform.mf.uz** тўлов платформаси орқали ажратилади. **2024 йил 1 декабрдан** ипотека кредити ажратиш учун аризалар қабули бошланади.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзгаришларни тарихий бурилиш даврига қиёслаш мумкин

“Шу кунгача қуйи тизим ходимлари билан юқори лавозимдаги раҳбарларнинг кунда-кунора суҳбатлашиши, аҳвол билан танишиши кузатилмаган. Ҳозир Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев шахсан ҳар бир ходим билан ҳудуд инфратузилмаси, бандликни таъминлаш, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш бўйича фикрлашмоқда. Зарур кўмак кўрсатилмоқда. Очиқлик ва шаффофлик фаолиятимиз самарадорлигини таъминлаяпти.



Бу ўзгаришлар, биринчи навбатда, соҳа ходимлари иш фаолиятида акс эта бошлади. Ҳар қандай масала “маҳалла еттилиги” билан биргаликда шу ернинг ўзида ҳал бўлмоқда”.

2-с.

Қандай қилиб ишсизликдан холи ҳудудга айландик?

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда маҳалла раиси Алишер Устакаримов бошчилигида хонадонма-хонадон кириб, ҳар кимнинг имконияти индивидуал ўрганилмоқда. Ишсизлик сабаби таҳлил қилиниб, қизиқишига мос таклиф берилмоқда. Натижада кечаги ишсиз, бугун иш берувчига, тадбиркорга айланяпти.

3-с.

“Тақдир синовидан қатъи назар, албатта, кўмак берамиз”

Инсоннинг бошидан қандай кунлар ўтмасин, ўтмишида йўл қўйган хатоларига қарамай, биз қийналганларни қўллаб-қувватлашдан чарчамаймиз. Энг муҳими, улар хатосини англаб етган. Бундан буён қадамини ўйлаб босиши кераклигини яхши билади.

7-с.

Mahalla 365

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 июндаги тегишли қарори билан “Маҳалла еттилиги” аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш тартиби тўғрисида"ги Низом қабул қилинган.



☑ “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг ҳисоботи фуқаролар йиғинида ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасигача эшитилади.



☑ Фуқаролар йиғини мажлисида “еттилик” ҳисоботи билан бирга, кейинги чоракдаги режалари ҳам эшитилади.



☑ Фуқаролар йиғинига туман (шаҳар) ҳокими, Уюшманинг туман (шаҳар) бўлими раҳбари таклиф этилиши мумкин.



☑ Ҳисобот якунлари бўйича йиғин раиси рағбатлантирилиши, интизомий жазога тортилиши ёки лавозимидан озод этилиши мумкин.



☑ “Еттилик” аъзоларини рағбатлантириш ёки лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш уларнинг иш берувчи ташкилоти ваколатига берилади.



☑ Ҳисобот бўйича таҳлилий ахборот сектор раҳбарига, Халқ қабулхоналари, маҳаллий Кенгашларга киритиб борилади.



ДИҚҚАТ! ОБУНА — 2025

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий нашри — «Mahalla» газетаси ҳамда «маҳалла еттилиги» вакиллари учун ўзига хос қўлланмага айланиб улгурган «Mahalla ko‘zgusi» журналига 2025 йил учун обуна бўлинг!

“MAHALLA” ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 148

“MAHALLA KO‘ZGUSI” ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ: 862

Мурожаат учун телефонлар:
+998 71 233 39 89, +998 71 233 10 92

ШОШИЛИНГ!

Маҳаллани «Mahalla»сиз тасаввур этиш қийин...



Давлатимиз раҳбарига ИЖТИМОИЙ МУҲИТНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҳамда диний маърифатни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида ахборот берилди.



Шавкат Мирзиёев ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ҳолати ва келгуси йилги режалар муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.



Президент темир йўл ва авиация соҳасидаги давлат компанияларида трансформация жараёнларининг боришига оид ТАҚДИМОТ БИЛАН ТАНИШДИ.

ТАШАББУС

Ўзгаришларни тарихий бурилиш даврига қиёслаш мумкин

Кўкдала тумани ташкил этилиши халқимизнинг узоқ йиллик орзусини рўёбга чиқарди. Бу билан Чироқчи туманида истиқомат қилаётган 420 минг нафар аҳолининг 176,3 минг нафари, 37 та маҳалла мазкур туман таркибига ўтказилди. Натижада уларнинг узоғи яқин, мушкули осон бўлди. Жумладан, маҳалламиз аҳолиси ҳам бу қарордан жуда хурсанд. Чунки чекка ҳудудда жойлашганимиз учун марказга ишимиз тушса, 70 км. масофани босиб ўтишга мажбур бўлардик. Бирор юмушни бажариш жараёнида кунимизни сарфлардик. Энди ҳамма давлат хизматлари бир жойда мужассам. Ҳокимлик биносида барча ташкилотлар жойлашган.



Умар ЖЎЛБУЛОВ,
Кўкдала туманидаги “Кўкдала” маҳалласи раиси.

Узоқ йиллардан бери маҳалла тизимида ишлаганим учун бугунги ўзгаришларни тарихий бурилиш даврига қиёслаган бўлардим. Масалан, шу кунгача қуйи тизим ходимлари билан юқори лавозимдаги раҳбарларнинг кунда-кунора суҳбатлашиши, аҳвол билан танишиши кузатилмаган. Ҳозир Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев шахсан ҳар бир ходим билан ҳудуд инфратузилмаси, бандликни таъминлаш, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш бўйича фикрлашмоқда. Зарур кўмак кўрсатилмоқда. Очиқлик ва шаффофлик фаолиятимиз самарадорлигини таъминлаяпти.

Бу ўзгаришлар, биринчи навбатда, соҳа ходимлари иш фаолиятида акс эта бошлади. Ҳар қандай масала “маҳалла еттилиги” билан биргаликда шу ернинг ўзида ҳал бўлмоқда. Яна бир ўзига хос янгилик — юқори турувчи орган раҳбарлари қуйи тизимга тушиб ишлаётганидир. Яна бир қулайлиги — соҳа рақамлаштирилди.



Яқингача одамлар қийин шароитда яшарди. Инфратузилма ачинарли аҳволда эди. 2022 йилда “Обод маҳалла” дастури асосида 17 км. ички йўл асфальтлаштирилди. 13 км. қисми шағаллаштирилди. Фарзандларимиз учун 98-, 99-умумтаълим мактаблари қурилди. 6-мактаб таъмирланди. Замонавий мактабгача таълим муассасаси бунёд этилиб, қамров 70 фоизга ошди.

Ҳудудда 5 минг 37 нафар аҳоли истиқомат қилади. 6 та кўча бўлиб, ҳар бири “еттилик” ходимларига бириктирилган. Умар Ҳайём ва Эркин Воҳидов номидаги кўчаларга раис, Мададкор кўчасига хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим, Фидойилар кўчасига ёшлар етакчиси, Саноатчи кўчасига ҳоким ёрдамчиси, Лалмикор кўчасига профилактика инспектори масъул этиб тайинланган.

Ўз навбатида маҳалла ходимлари учун иш шароити яхшиланди. Алоҳида бино ажратилиб, зарур моддий-техник жиҳозлар билан таъминланди. Тадбиркор ташаббуси билан ҳомийлик асосида ҳудудда икки қаватли кутубхона ташкил этилмоқда.

Асосий “драйвер” — деҳқончилик ва чорвачилик. Ўсиш нуқтамиз орқали бандликни таъминлашга эътибор беряпмиз. 37 та хонадонда энг камида 2 сотихли иссиқхона ташкил этилган. Даромади йиллик 20 миллион сўм бўлмоқда. Шу каби тадбирлар натижасида ишсизликни қисқартириб боряпмиз. Йил бошида 139 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. Бугунгача 122 нафарининг бандлиги таъминланди. Йил охиригача ишсизлар қолмайди. Талабгорларга имтиёзли кредит, субсидия ажратдик.

Ҳозирда 31 нафар тадбиркор фаолияти йўлга қўйилиб, улар 43 та иш ўрни яратган. “Атиргул ҳиди”, “Шодиев Холмурод”, “Тиш протезлаш фирмаси”, “Ражабов Иноят” каби субъектлар фаолиятини кенгайтириш арафасида.

Юқорида таъкидлаганимдек, аҳоли хонадонида иссиқхонадан самарали фойдаланади. Биринчи мавсум — январь ойида тарвуз, қовун, помидор, бодринг кўчати етиштирилади. Эрта баҳор — март ойидан ерга кўчирамиз. Бугун ҳудудда бўш ва бекорчи инсонни учратмайсиз. Ҳамма меҳнат қилса, яхши яшаши мумкинлигини тушуниб етди. Одамларнинг дунёқараши ўзгарди. Боқимандаликдан қутулиб, бунёдкорлик, яратувчанлик кайфияти билан яшамоқда. Аввалги даврда энг камида 8 сотих, кўпида 30 сотих ер бўлса ҳам, ундан фойдаланиш кўрсаткичи паст эди. Хонадонма-хонадон кириб, шундай оилаларга тушунтирдик, ердан даромад олишини ўргатдик. Зарур бўлса, моддий ёрдам беришни таклиф этдик. Ҳозир бирор хонадон эгаси рўзғор учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бозордан сотиб олмайди. Ҳаракат бор жойда, ривожланиш бўлишини, ҳамма ўз ҳаётида, тақдирида кўрмоқда. Ишсизларни меҳнат билан таъминлаш эмас, меҳнатга жалб қилиш, меҳнатга қизиқтиришга эришдик. Уларни боқимандалик кайфиятидан олиб чиқдик. Яна бир муҳим ўзгариш — фуқаролар маҳалла фақат моддий ёрдам ёки бола пули тайинлайдиган муассаса, деган фикрдан халос бўлди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 20 та оила портрети яратилди. Улар вилоят раҳбарларига бириктирилди. Энг оғир тоифадаги оилалар аҳволи ўрганилмоқда. Дастлабки босқичда Гулбаҳор Жумаевага субсидия асосида тикув машинаси бердик. Йил охиригача бу оилани камбағалликдан чиқариш режаси тузиб олинди.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар мени давлат таъминлайди, деган фикр хато эканини англаб етди.

ТАҲЛИЛ

Камбағаллик қисқариб, ҳар бир уйда файз-барака ортяпти



Маҳалладаги ислоҳотлар бардавом ва самарали бўлиши учун, аввало, тизим ходимларига қулай шароит яратилиши лозим. Буни яхши англаган ҳолда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник таъминотини яхшилашга эътибор қаратяпмиз.

Шавкат ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фориш тумани бўлими бошлиғи.

“Маҳалла еттилиги” олиб борган ўрганишларга кўра, жорий йил бошида рўйхатга олинган 3 минг 761 та камбағал оилада яшовчи 16 минг 549 нафар фуқаро кўмакка муҳтож деб топилган.

Ўтган даврда кредит ажратиш ҳисобига 210 нафар ишсизнинг доимий бандлиги таъминланди, 35 нафарига ижара асосида ер ажратилди. Бундан ташқари, 7 нафарига субсидия берилди, 1 минг 408 нафари ўзини ўзи банд қилди. Касб-ҳунар марказларига йўналтирилганлар 254 нафар бўлса, қолганлар янги тадбиркорлик субъекти ташкил этиш ҳамда “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида камбағалликдан чиқарилди. Жами 1 минг 14 нафар фуқаро доимий даромад топиш имконига эга бўлди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори асосида 2024-2025 йилларда аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Камбағалликни қисқартириш — умумхалқ ҳаракатига айланди. Қайта хатловда энг оғир шароитда яшаётган 309 та оила рўйхатга олиниб, раҳбарларга бириктирилди. Бугунги кунгача уларга турли кўринишдаги ёрдам берилди. Йил якунига қадар камбағаллик даражасини 7,7 фоизга тушириш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Бунинг учун 25 та маҳаллага банк ходимлари бириктирилиб, бандлик дастури асосида лойиҳа пакетлари тақдим қилинган. Бунинг учун 967 та лойиҳа пакети учун 11 млрд. сўм кредит ажратилган.

Туман ҳокимлиги қошида ташкил этилган штабда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида кунлик мониторинг юритилмоқда. Камбағаллик даражасидаги, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган, миграциядан қайтган, банд бўлмаган аҳоли иш билан таъминланиши электрон шаклда ҳисоб-китоб қилиб борилмоқда.

“Хонбанди” маҳалласида кўп қаватли уйда яшовчи ижтимоий кўмакка муҳтож 10 та оила дастур асосида “Моно электрик” масъулияти чекланган жамиятига ишга қабул қилинди. Улар ўз хонадонида электр ускуналарини йиғиш билан шуғулланмоқда. Масъулияти чекланган жамияти зарур асбоб-ускуна ва хомашё билан таъминламоқда.

Аҳолининг қизиқишидан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган ойи давомида ишсиз ёшлар ва аёлларга субсидия асосида меҳнат қуроллари, жумладан, тикув машинаси, автомобилларни ювиш ускуналари, микротўлқинли печ, скутер ва бошқа жиҳозлар олиб берилди. Бу билан 60 нафардан ортиқ фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган талабгорларга субсидия ва имтиёзли кредит ажратилиб, қўшимча иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, вақтинча ишсиз аҳолига чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, касаначилик ҳамда ишлаб чиқаришнинг бошқа йўналишларида имтиёзли кредит берилди. Туманда маҳаллалар бўйича жорий йил учун 8 минг 304 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган эди. Бугунги кунга келиб, режа тўлиқ бажарилди.

Эрта баҳорда 800 гектар ерда токзор барпо этилди. 1-2 йилда ҳосилга киргач, банд бўлмаган ёшларга, эҳтиёжманд, кам таъминланган, камбағал оилаларга бўлиб берилади. 100 гектар ер ўзлаштирилиб, артезиандан сув чиқарилиб, ёшларга тақсимланди. Бу оилаларнинг ҳар бири ўртача 25-35 миллион сўмдан даромад олди.

Бундан ташқари, инфратузилма яхшиланиб бормоқда. Ҳозиргача 25 та маҳаллага янги электр, табиий газ, ичимлик сув тармоғи тортилди, 7,2 км. масофадаги йўл асфальт қопламаси билан қопланди.

“Қораабдол ота” маҳалласидаги Йўллисой қишлоғи туманнинг энг узоқ ва чекка ҳудуди бўлиб, қўшни Самарқанд вилояти чегарасида жойлашган. Йўлнинг абгорлиги сабаб, аҳоли кўп бора қишлоқ йўлларини таъмирлаш юзасидан мурожаат қилган. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали муаммога ечим топилди. 2 км. 950 метр ички йўлга асфальт қоплама ётқизиш таклифи якунда ғолиб бўлди. Натижада ички йўллар асфальтланди.

Бугунги глобаллашув даврида маънавиятга эътибор долзарблик касб этмоқда. Шу талабдан келиб чиқиб, Президент ташаббуси билан “Маънавият сектори”ларини ташкил этиш белгиланганди. Ўтган вақт мобайнида барча ҳудудларда “Маънавият сектори” ташкил этилди. Вилоятдаги бошқарма бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари уларга масъул этиб белгиланди. Шу мақсадда 11 та маҳаллада “Маънавият сектори”нинг бошланғич таянч тузилмалари ташкил этилди. Улар ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларга алоҳида эътибор қаратиш, бағрикенглик руҳида тарбиялаш, бой қадриятларимизни асраб-авайлаш, китобхонликни ривожлантириш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш ҳамда мафкуравий иммунитетини ошириш борасида иш олиб бормоқда.

Режа асосида 25 та маҳаллада ҳуқуқий тарғибот олиб борилди. Барча маҳаллаларда маънавий-маърифий ҳамда маданий тадбирлар ташкил этилди.

Муҳими, бу ишлар доимийлик касб этиб, ҳудудларда одамларнинг турмуш даражаси ошиб бормоқда.

ТАЖРИБА

“Еттилик”нинг ечмаган муаммоси қолмаяпти

Маҳаллада 2 минг 651 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўсиш нуқтамиз — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш.



Зарифбой ҚУВВАТОВ,
Ургут туманидаги “Халқобод” маҳалласи раиси.

Аксарият масалалар “еттилик” билан ҳамжиҳатликда ҳал этилмоқда. Ҳар куни эрталаб кунлик иш режа тузиб оламиз. Хонадонма-хонадон юриб, йўналишлар бўйича муаммоларга ечим топамиз.

Жорий йил давомида асосий йўллар тўлиқ асфальтланди. Мактаб атрофи бетон девор билан қўрғонланди. Оилавий шифокорлик пункти ташкил этилди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида 3 км. ички йўлни асфальтлаш таклифимиз ғолиб чиқди. Электр таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш мақсадида 30 та замонавий бетон устун ўрнатилди. 6 км. ички йўл шағаллаштирилди.

Аввал ҳудуддаги фуқаронинг хонадонида ижара асосида ишлардик. Табиийки, шароит етишмаслиги зиммамиздаги вазифани бажаришга тўсиқ бўларди. Ниҳоят, янги бино қуриб берилди. Бу ерда барча шароит яратилган.

Миграциядан қайтган фуқаролар билан ишлаш, камбағаллик ва ишсизликнинг олдини олишда ҳоким ёрдамчиси яқиндан ҳамкорлик қиляпти. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 миллиард 528 миллион сўм кредит ажратилди. 25 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Маҳаллада ёнғоқни қайта ишлаш корхонаси мавжуд бўлиб, тадбиркор Дониёр Хушвақтов 30 йилдан бери шу иш билан шуғулланади. Айни пайтда бу ерда 15 та доимий иш ўрни яратилган.

Ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишда ёшлар етакчисининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Жорий йилнинг шу давригача 20 нафардан зиёд йигит-қизга имтиёзли кредит ва субсидия ажратилди. Улар тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, рўзғорига ёрдам бермоқда.

Ёлғиз, кекса, ногирон ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ёрдам кўрсатиш каби вазифалар билан ижтимоий ходим шуғулланмоқда. Эрали Бердиев бу борада яхши натижа қайд этмоқда.

“Маҳалла еттилиги” ходимлари бир ёқадан бош чиқариб ишлаши натижасида ечимсиз муаммо қолмаяпти.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ВИЛОЯТ СЕМИНАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Чортоқ туманидаги “Кесканёр” маҳалласида аҳоли томорқаларига “тўқсонбости” усулида сабзавот экинлари экилишини ташкил этиш бўйича семинар ўтказилди.

Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши, вилоят ўсимликлар ҳимояси ва карантин бошқармаси, маҳалла ходимлари иштирок этди.

Жараёнда томорқадан самарали фойдаланиш, “тўқсонбости” экинларини ўз вақтида ва замонавий агротехнологиялардан фойдаланган ҳолда экишнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилди. Мутасаддилар ҳосилдорликни ошириш ва ер унумдорлигини сақлаш учун тавсиялар ишлаб чиқишди.



АДИЗ БОБОЕВ Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.



Янги қонун билан харид қилиш тартиб-таомилларининг ЯНГИ ТУРЛАРИ жорий этилади.



Ҳукумат қарори билан товарларни божхона муҳрлари остида ташишга рухсат бериш гувоҳномасини олиш бўйича АХБОРОТ ТИЗИМИ жорий этилади.

ТАҲЛИЛ

Сўх ободликда, кўркамликда сира ортда қолмаяпти

Сўх тумани алоҳида географик аҳамиятга эга, тўрт томони пурвиқор тоғлар билан ўралган, анклав ҳудуд ҳисобланади. Кейинги йилларда туманда катта ўзгаришлар, ободонлаштириш ишлари олиб борилди.



Қосимжон ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сўх тумани бўлими бошлиғи.

Айниқса, маҳаллаларда тўй-ҳашамларни тартибга солиш, фуқаролар йиғини ҳудудини ободонлаштириш, аҳолини қийнаётган муаммо ва камчиликларни аниқлаб, уларга ечим топиш, ижтимоий кўмакка муҳтож, кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган инсонларни қўллаб-қувватлаш каби ишлар самарали олиб борилмоқда. Қайд қилиш лозимки, бевосита туман ҳокими бошчилигида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини кесимида оммавий сайёр қабуллар мунтазам ўтказиляпти.

Ҳудудда 27 маҳалла бўлиб, 83 минг 896 нафар аҳоли истиқомат қилади. Жорий йил бандликни таъминлаш, кам таъминланган оилаларни камбағалликдан чиқариш, маҳаллаларни ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, коммунал соҳаларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Йил бошидаги хатловда аниқланган 3 минг 177 нафар ишсиз фуқаронинг 1 минг 957 нафарининг бандлиги таъминланди. Жумладан, 583 нафари ишга жойланган бўлса, 38 нафари жамоат ишларида банд бўлди. 82 нафарига субсидия, 46 нафарига имтиёзли кредит ажратилди. 48 нафар ёшга ер берилди. 698 нафари ўзини ўзи банд қилган бўлса, 116 нафари касбга ўқитилди. Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибаси асосида 151 та хонадонга моддий кўмак кўрсатилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликнинг олдини олиш мақсадида 2 минг 537 нафар фуқарога 668 гектар ер берилди. Маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари “Бир маҳалла — бир маҳсулот” мезони асосида экспортбоп маҳсулот етиштириш бўйича амалий кўмак беришди.



“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 232 та камбағал оила сектор, ташкилот ва тадбиркорларга бириктирилди. Улар иштирокида 77 та камбағал оилага 20 тонна кўмир, 1 000 дона шифер тарқатилди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлимига “Ғазнов” маҳалласида яшовчи 5 та камбағал оила бириктирилган. Ўтган давр мобайнида Хайрулло Каримов, Қироят Тўхтасиновага уй қуриб бердик. Мамлакат Абдуллаева ишга жойлаштирилди. Шаҳзода ва Ўғилой Умаралиевага моддий ёрдам кўрсатилди.

“Хорижга иш — маҳалладан” дастури бўйича ишчи гуруҳ фаолияти йўлга қўйилган. Таҳлилларга кўра, йил бошида 6 минг 585 нафар фуқаро хорижда экани аниқланди. Ҳозиргача уларнинг 2 минг 670 нафари оиласи бағрига қайтди.

Йилдан-йилга инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал бўлиб, аҳоли яшаш шароити яхшиланмоқда. Жорий йил “Соҳибкор” маҳалласининг 1,7 км. қисми асфальтланди, ариқлар бетонланиб, пиёдалар йўлакчаси қурилди. Бунинг учун 2 миллиард 950 млн. сўм маблағ сарфланди. “Себзор” маҳалласида замонавий мактабгача таълим ташкилоти бунёд этилди. “Девайрон” маҳалласидаги симёғочлар янгиланди. “Қизилқиёқ” маҳалласининг 6.2 км. ички кўчаси асфальтланди. Бу каби эзгу ишлар “Гулистон”, “Демирсад”, “Қалъа”, “Офтобру”, “Шаркобод” маҳаллаларида давом этмоқда.

Дарҳақиқат, бугун туманнинг қай бир гўшасига борманг, ободлик ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Кундан-кунга қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, аҳоли яшаш тарзи фаровонлашиб боряпти. Ҳар бир хайрли ташаббус, инсон манфаатига қаратилган ҳаётбахш ислоҳотлар туманда ўз аксини топмоқда. Ободонлаштириш ишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Асосий йўлларнинг икки тарафига пиёдалар йўлакчаси барпо этилмоқда. Шунингдек, газ ва электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар ечимини топмоқда, аҳоли учун хавф туғдирадиган эски симёғочлар ўрнига янги замонавий темир бетон таянчлари ўрнатилаётгани ҳамда маҳаллаларда олиб борилаётган янги йўллар барпо этиш ишлари улар розилигига сабаб бўлмоқда.

ТАЖРИБА



ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНДИК?

Сир эмас, яқингача ялқовлик, дангасалик, “Берсанг ейман, урсанг ўламан!”, қабилидаги боқиманда қатлам кўпайиб кетганди. Сайёр қабуллар, Халқ қабулхоналари, давлат идора, муассасалари шу каби “навбатчи” мурожаатчилар билан тўлиб кетарди. “Ҳеч қаерда ишламайман, ёрдам пули бермайсизми?”, дея қўл қовуштириб турган тўрт мучаси соғ, савлатидан от ҳуркадиган эркакларга ҳам, “ишсизман, аҳволим оғир” дея сайёр қабулдан тикув машинаси, бошқасидан пул ундириб юрган аёлларга ҳам дуч келардик.

Дилёр ҒУЛОМОВ, Оққўрғон туманидаги “Хонобод” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Мурожаат доим эътиборга олиниб, албатта, ёрдам кўрсатиларди. Гоҳида ҳақиқий эҳтиёжмандлар четда қолиб кетарди. Балки шунгами, боқимандалар сафи ортиб борди.

“Маҳалла еттилиги” фаолияти жорий этилгач, бу борада ҳам адолат ўрнатилди. Мурожаатни коллегиал тарзда кўриб чиқиш йўлга қўйилди. Имконияти бор бўла туриб, ишлашни, меҳнат қилишни хоҳламаётганларга ҳуқуқий жавоб берилмоқда.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда мана шу мезон асосида иш ташкил этяпмиз. Маҳалла раиси Алишер Устакаримов бошчилигида хонадонма-хонадон кириб, ҳар кимнинг имконияти индивидуал ўрганилмоқда. Ишсизлик сабаби таҳлил қилиниб, қизиқишига мос таклиф берилмоқда. Натижада кечаги ишсиз, бугун иш берувчига, тадбиркорга айланяпти.

Мисол учун, йил бошида ҳудудимизда ишсизлик бўйича ҳолат ташвишли эди. 410 нафар фуқаро рўйхатга олинганди. Шу кунгача 406 нафарининг бандлиги таъминланди.

Ҳа, бир қарашда ҳаммаси оддий кўринади. Лекин шу 406 нафар тақдир ортида камида 2 нафардан оила аъзолари ҳаёти ўзгаргани, яхшиланган кичик гап эмас.

Бунга қандай эришдик? Аввало, энг оғир тоифадагиларнинг 35 нафарига эътибор қаратдик. Уларнинг 28 нафари камбағалликдан чиқарилди. 31 нафар ишсизга тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун микрокредит ажратдик.

Зулфия Абдураҳмоновага тикув машинаси бердик. Шоҳиста Илёсовага субсидия асосида иккита тикув машинаси, ҳомийлик ҳисобидан 40 бош парранда тақдим қилдик. Аввалроқ тикувчилик касбига бепул ўқитгандик. Ҳозир маҳалла аёллари буюртмаси асосида тиккан либослар эвазига кунига 50-100 минг сўм, парранда тухумини сотишдан 50 минг сўм даромад қиляпти. Бундан ташқари, турмуш ўртоғига компьютер жамланмаси олиб бердик. Оила бандлиги таъминланиши ортидан камбағалликдан чиқди.

Дилнавоз Қурбоналиева, Вазира Ўрозовалар субсидия асосида тикув машинаси олиб, ўзини ўзи банд қилди. Малика Рисқулова парваришлаётган 40 бош парранда тухумга кирди.

Вилоят прокуратураси ҳомийлигида Нигора Холматова, Сожида Ҳамдамова, Муяссар Ҳамроеваларнинг хонадонига қуёш панели ўрнатилиб, ишсиз оила аъзолари ишга жойланди. Ҳудудда тўртта кичик тикувчилик корхонаси бўлиб, жами 37 та иш ўрни яратилган.

Қувонарлиси, маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланиши баробарида бошқа кўрсаткичлар ҳам яхшиланди. Камбағал оилалар сони қисқариб, жиноятчилик кескин камайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

АВТОМАШИНА БОШҚАНИНГ НОМИДА БЎЛСА...

Зилола АСАДУЛЛАЕВА. Чироқчи тумани.

— Шу кунгача бола пули олиб келардик. Яқинда гарчи бошқа бировнинг номида автомашинамиз бўлса-да, маблағ бериш тўхтатиб қўйилди. Автомашинаси бошқа одамнинг номида бўлганлар энди бола пули ололмайдими?

Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлигининг медиа маркази раҳбари:

— Дарҳақиқат, жорий йилнинг март ойидан бошлаб, моддий ёрдам ҳамда болалар нафақаси учун аризаларни кўриб чиқиш тартибига ўзгартириш киритилди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Унга кўра, “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор асосида тасдиқланган низомга ўзгартириш киритилди.

Бу янгилик асосида 2024 йил 1 мартдан бошлаб, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олаётган оиланинг номига расмийлаштирилмаган, бироқ фойдаланувида бўлган автотранспорт воситалари мавжуд ёки мавжуд эмаслик ҳолатини масъул этиб белгиланган ижрочилар жойига чиққан ҳолда ўрганади. Ўрганиш натижаси бўйича шундай ҳолат аниқланган тақдирда, уларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам пуллари берилиши рад қилиниши назарда тутилган.

ЖАРАЁН

“Томиб турсин” десангиз, томорқадан фойдаланинг

Ҳовлингизда 20 сотихдан иборат экин ерига эгасиз. Деҳқончиликдан хабардор кишига бу — мўмай даромад топиш учун катта имконият. Астойдил меҳнат қилишдан қочмаган одам борки, тўрт фаслда мўл ҳосил етиштиришнинг уддасидан чиқади. Ҳалол меҳнати эвазига моддий манфаат кўради.

Бу борада маҳаллада ўзига хос тажриба яратилган. Томорқачилик аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим бўғинига айланмоқда. Масалан, миришкор томорқачи Гулчеҳра Сафарова оила аъзолари билан бирга ҳовлисидаги экин ерида пешма-пеш ҳосил етиштириб, катта даромадга эга бўлмоқда. Хонадон соҳибасининг ғайратшижоати ва ташкилотчилиги туфайли ўтган йили помидор, бодринг, саримсоқпиёз ва турли кўкатлар етиштиришдан 80 миллион сўмдан орттириб даромадга эришилган бўлса, жорий йил ундан-да кўпроқ манфаат кўриш ҳаракати бормоқда.

Эрта баҳордан картошка, помидор, пиёз ҳосилидан баракали хирмон кўтарган хўжалик ерида шу кунларда такрорий ҳосил сифатида булғор қалампири, бодринг ва кўкат парваришланяпти. Ҳадемай, “ғалвир сувдан кўтарилади” ва пишаётган ҳосил саранжомланади. Хомаки ҳисобкитобга биноан, йил якунигача кўзланган даромад 100 миллион сўмдан кам эмас.



Шу ўринда, ердан катта даромад олаётган илғор томорқа эгаларидан Зебо Исматова, Феруза Аҳмедова, Неъмат Исматов, Шуҳрат Бозоровни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Айни кунда маҳаллада аҳоли томорқачилари 694 нафарга яқин бўлиб, улар тасарруфидаги мавжуд томорқа ери 93 гектар. Шунингдек, ҳудудда бевосита иссиқхона хўжалигини барпо этиб, унда йилнинг тўрт фаслида баракали ҳосил етиштираётган хўжаликлар экин ери 5 гектардан ортиқ майдонни ташкил этмоқда. Мазкур иссиқхоналарнинг аксарияти 1–4 сотихдан иборат бўлиб, йил бўйи помидор, картошка, пиёз, бодринг, карам, саримсоқпиёз етиштирилиб, халқимиз дастурхонига туҳфа этиб келинмоқда.

Элёр ТУРДИЕВ, Когон туманидаги “Тунироқ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.



“ЯШИЛ МАКОН”: кузги мавсумда ҳозиргача 49 миллион 370 минг туп кўчат ўтқазилди.



Ўзбекистонда эндиликда “ШАФФОФ ШАҲАРЛАР” ва “Ҳалол туманлар” пайдо бўлади.



Доғистон билан балиқчилик ва оёқ кийим ишлаб чиқариш бўйича ҲАМКОРЛИК ҚИЛИНАДИ.

МЕНДА САВОЛ БОР...



Адҳам ОЛИМОВ.
Олтиариқ тумани:

— Мен ёрдамчи юристконсульт лавозимида ишлайман. Бундан ташқари, ташкилотнинг матбуот котиби вазифасини бажараман. Бошқарма бошлиғи ва ўринбосари шахсий адовати туфайли менга бириктирилган вазифаларни бажаришимга тўсқинлик қилмоқда. Бундай вазиятда иш берувчи, яъни раҳбарга нисбатан қонунчиликда бирор чора борми?

“ИШЛАШГА ҚЎЙИШМАЯПТИ, ЧОРА БОРМИ?”

Азизбек АСАДОВ,
фуқаролик ва иқтисодий масалалар бўйича юрист:

— Меҳнат кодексининг 25-моддасига асосан, иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя этиши шарт. Бундан ташқари, иш берувчи ходимларни меҳнат шартномасида шартлашилган иш билан таъминлаши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш керакки, раҳбар сизга ўз вазифаларингизни бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин эмас. Агар бу ҳолат давом этаверса, сиз Давлат меҳнат инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мансабдор шахснинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиши Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ЖАРАЁН

Мустақил ҳаётга тайёрлаш учун ҳар бир ёшни астойдил тингламоқ керак

Жорий йилда тумандаги 57 та маҳаллада “Ёшлар баланси”ни шакллантириш орқали 53 минг 218 нафар ёш хатловдан ўтказилди. Хатлов натижалари маълум бўлгач, улар “яшил”, “сариқ”, “қизил” тоифаларга бўлиб олинди. Хусусан, “яшил” тоифадагилар — 36 минг 523 нафарни, “сариқ” тоифадагилар — 16 минг 610 нафарни, “қизил” тоифадагилар — 745 нафарни ташкил этди.



Акбар ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Шаҳрисабз тумани бўлими бўшлиғи.

Топшириққа мувофиқ, 67 нафар ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органи ходимларига 760 нафар ёш номма-ном бириктирилди. Улар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида 273 нафарининг муаммоси мавжуд экани маълум бўлди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 42 нафари ишга жойлаштирилди, 16 нафарига тадбиркорлик учун кредит ажратилди, 27 нафарига субсидия асосида асбоб-ускуна олиб берилди, 48 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 1 нафари сафарбарлик чақирув резервига жўнатилди, 15 нафарининг даволаниш харажатлари қоплаб берилган бўлса, 19 нафари фан ва чет тилларига йўналтирилди, 25 нафарининг шартнома тўловлари қопланди, 12 нафарига бир марталик моддий ёрдам ва 60 нафарига бошқа амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш йўналишида жами 760 нафар йигит-қиз “Бандлик дастури”га киритилган эди. Ҳозирга қадар 532 нафари ишли бўлди. Туманда 200 гектар ер майдони 348 нафар ёшга ажратилиши режалаштирилган эди. 2024 йил давомида “маҳалла еттилиги” тавсияси билан 300 нафар деҳқончилик қилиш истагидаги ёшнинг дастлабки электрон рўйхатлари шакллантирилди. Ҳозиргача 265 нафар ёш 139 гектар ер майдонини аукцион орқали ютиб олди.

Бу жараёнда битирувчи йигит-қизлар билан алоҳида ишладик. Уларнинг сони 2023-2024 ўқув йилида 4 820 нафарни ташкил этиб, 1 100 нафари таълимнинг кейинги босқичига, 643 нафари доимий иш ўринларига, 715 нафари касб-ҳунарга, 715 нафари замонавий касбга ва 186 нафари хусусий олий таълим муассасасида ўқитилди, 169 нафарига субсидия, 50 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди ҳамда 293 нафари тартибли меҳнат миграциясига жўнатилиши белгиланган.

Хориждаги ёшлар билан ишлаш йўналишида жами 1 196 нафар ёш бугунги кунда хориж давлатларида фаолият юритмоқда. Шундан 58 нафари ўқиш учун, 985 нафари ишлаш учун, 165 нафари даволаниш ва бошқа сабабларга кўра хорижга кетган. Бугунгача миграциядаги ёшларнинг 156 нафари юртга қайтарилди, 72 нафарининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, уларнинг 15 нафари жамоат ва мавсумий ишларга жалб этилди, 36 нафари касб ва тилга ўқитилиб, тартибли миграция асосида чет давлатларга юборилди. 13 нафари доимий ишга кирган бўлса, 5 нафарига имтиёзли кредит, 3 нафарига субсидия ажратиш орқали бандлиги таъминланди.

2024 йил давомида 461 нафар йигит-қизга “Ёшлар дафтари” имкониятлари орқали ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиб, ҳозирда 340 нафарига жами 666 миллион сўм миқдорида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ёшлар ўртасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш борасида қатор ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирда 280 нафар ёш хорижий тилларга ўқитилмоқда. Қувонарлиси, уларнинг 36 нафари тил билиш сертификатини қўлга киритди.



Бундан ташқари, “Ибрат фарзандлари” лойиҳасида бугунги кунга қадар 21 минг 793 нафар ёш рўйхатдан ўтган бўлиб, улар 294 та тил билиш сертификатини қўлга киритди. “Мутолаа” мобиль иловаси орқали китоб мутолаа қилишни истаганлар сони 10 минг 250 нафарни ташкил этяпти.

Ҳудудда “Беш ташаббус олимпиадаси” тадбирлари юқори савияда ўтказиляпти. Бугунги кунга қадар спорт мусобақалари ғолиблари истиқомат қиладиган маҳаллаларда 1 миллиард 200 миллион сўмлик 3 та спорт майдончаси барпо этилди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун тумандаги 57 та маҳаллада ҳафтада 2 маротаба спорт ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Ҳар бир ёшни мустақил ҳаётга тайёрлаш, улар билан индивидуал ишлаш, муаммоларини тинглаш ва ечим топишда ёрдам бериш — устувор вазифамиздир. Уларнинг камол топиши, илмли бўлиб етишиши йўлида бор имкониятимизни ишга соламиз.



МАНЗАРА

Кутубхона қурилса, ёшлар кўпроқ мутолаа қилар эди...

Элдор ИСМОИЛОВ,
Оқдарё туманидаги “Авазали” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшлар етакчиси лавозими ташкил этилгандан буён йигит-қизларни ишга жойлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунарга ўқитиш каби вазифаларни масъулият билан бажаришга киришганман.

Аввало, ҳудуддаги ёш қизларни ҳунарли қилиш мақсадида тўгараклар очдик. Мактаб биносидаги бўш хонани ҳунар ўрганишга мослаштириб жиҳозладик, уларни қандолатчилик ва тикувчилик курсларига жалб этдик. Бу ерда қизлар 3 ой таҳсил олади. Ҳозир бир неча нафари касб-ҳунар ўрганиб, уйида аёллар кийимини тикиб, даромад қиляпти. Жумладан, Зуҳра Абдиева ўтган йили тикувчиликни ўрганди. Унга субсидия асосида замонавий тикув машинаси олиб бердик. Бугунги кунда ушбу ҳунар орқали ўзи ва фарзандлари эҳтиёжи учун етарли пул ишлаб топяпти.

Ёшларни ишли қилиш — асосий мақсадим. Уларни бирор даромадли иш билан банд этмагунимча кўнглим тўлмайди. Шу мақсадда деҳқончилик билан шуғулланмоқчи бўлган йигит-қизларнинг 38 нафарига 50-80 сотихдан ер ажратиб бердик. Ерга



Яқинда миграциядан қайтиб келган Бекмирзо Сувонов ушбу имкониятдан самарали фойдаланиб, ловия етиштирди.

ишлов бериб, дуккакли экинларни етиштириб, меҳнат қилишяпти. Яқинда миграциядан қайтиб келган Бекмирзо Сувонов ушбу имкониятдан самарали фойдаланиб, ловия етиштирди. Унумдор ердан бир мавсумнинг ўзида 1 тонна ҳосил йиғиб олди. Олган даромадини ҳисоблагач, кейинги мавсумда ерга кўпроқ ишлов бериб, тўқсонбости экинларни етиштиришни режа қилди.

Маҳалламиздаги баъзи бир ёшлар хорижга кетиш истагида. Яқинда Миграция агентлиги ходимлари келиб, ёшлар билан суҳбат қилди. Германияда иш ўрни мавжуд экани, кимда немис тилидан “B2” сертификати бўлса, хорижга кетишга ёрдам беришини айтишди. Қизиқиш бўлгани, ҳеч қандай йўл билан уни ички қилиқдан қайтара олмаётганини айтишди. Вазиятни англаб, йигитнинг даволаниши учун шифохонага ётқиздик. Ҳозир спиртли ичимлик ичмаслигини назорат қиляпмиз. Даволаниб чиққач, ер ажратиб, бандлигини таъминлаймиз.

Ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун спорт мажмуасида турли ўйинлар ташкил этилади. Ҳар мавсумда мусобақалар ўтказиб, иқтидорли ёшларнинг иштирокини таъминлаяпмиз. Шундай ёшлардан Зебо Аҳророва стол тенниси ўйинида туманлараро баҳсда рақибларидан устун келиб, биринчи ўринни эгаллади. Мухлиса Узоқова замонавий рақс бўйича “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этиб, вилоятда биринчиликни қўлга киритди. Йигит-қизлар ҳар қадамда иқтидорини намоён этаётганидан қувонаман. Бу йўлда уларга фойдам тегаётганидан фахрланаман.

Маҳалламизда кичкина кутубхона мавжуд бўлиб, у ерда ўтириб ўқиш учун шароит йўқ. Китоблар сони ҳам кўп эмас. Таклифим шуки, маҳалламизда кўп ўринли кутубхона очиб, китоблар сонини кўпайтирсак. Ёшларимиз китоб мутолаасига кўпроқ эътибор қаратишини истардим. Умид қиламанки, ушбу ташаббусимиз орқали йигит-қизларимиз мутолаага меҳр қўйиб, ундан зиё топадилар!

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Камола САЙФИДДИНОВА.
Қуйи Чирчиқ тумани:

— Мен мактабгача таълим ташкилотида тарбиячи лавозимида ишлайман. Шу билан бирга, сиртқи таълим йўналишида учинчи босқичда ўқийман. Таътилга чиқмоқчи эдим, бироқ раҳбарим “таътилингизни ўқиш даврида оласиз”, деди. Ўқиш даврида қўшимча таътил берилмайдими? Энди ҳар йиллик асосий меҳнат таътилини ололмайманми?

ЎҚИШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ БЕРИЛМАЙДИМИ?

Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи:

— Ўқув таътили сизга алоҳида берилади. Меҳнат кодексининг 385-моддасига асосан, олий таълим ташкилотларида сиртқи таълим шакли бўйича ўқиётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессияларида иштирок этган давр учун камида ўттиз кун ўқув таътили берилади.

Меҳнат кодексининг 216-моддасига кўра, ҳар йилги меҳнат таътили дам олиш ва ишлаш қобилиятини тиклаш учун иш ўрни (лавозими) ҳамда ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ходим ишдан озод этиладиган, унга иш йили давомида бериладиган вақт давридир. Мазкур таътилнинг энг кам давомийлиги йигирма бир календар кундан кам бўлмаслиги керак.

Хулоса шуки, ўқув таътилини ўқишга бориш, имтиҳонларни топшириш учун оласиз. Ҳар йилги меҳнат таътили дам олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш учун берилади. Демак, иш берувчи сизга таътилларни алоҳида-алоҳида бериши керак.



Фуқароларнинг ШАХСИЙ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН мажбурий пенсия бадалларини ҳисоблашнинг янги тартиби тасдиқланди.



Ўзбекистон МИЛЛИЙ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ ходимларининг лавозим маошлари 2025 йил 1 январдан оширилади.



“Гендер асосидаги ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ 16 КУН фаоллик” глобал ташаббуси доирасида минтақавий кампания старт олди.

ЖАРАЁН

Мақсад ва вазифалар ижросига барча сафарбар этилган

“Маҳалла еттилиги”нинг асосий устувор вазифалари – ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, миграциядаги фуқаролар ҳисобини юритиш ва қайтганларига амалий ёрдамлар кўрсатиш, маҳаллаларда жиноятчилик ва оилалардаги ажралишларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли даромадини оширишдан иборат.



Музроф СОБИРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тупроққалъа тумани бўлими бошлиғи.

Туманда 1 минг 697 нафар ишсиз аҳоли бўлиб, ўтган ўн ой давомида 856 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 331 нафар фуқаро жамоатчилик асосида ишга жойлаштирилган бўлса, 384 нафари турли соҳалар бўйича ўзини ўзи банд қилди.

295 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлади. 1 013 нафари касб-ҳунарга ўқитилди. 665 нафар ёшга деҳқон хўжалигини юритиш учун 162,7 минг гектар ер майдони ажратилди.

Сайхунобод ва Уйчи туманлари ҳамда “Истиқлол” ва “Дилбулоқ” маҳаллалари тажрибалари асосида 18 та маҳалладаги 1 697 нафар ишсиз фуқаронинг 270 нафарига Президентнинг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 1 млрд. 25 млн. сўм, 590 нафарига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури бўйича 9 млрд. 330 млн. сўм, 120 нафарига “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича 669 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратиш орқали иш ўринлари яратилди.

Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибалари 151 та хонадонга намунали тарзда татбиқ этилиб, 181 нафар фуқаро доимий даромадга эга бўлди. Қувонарлиси, бу ишлар натижасида маҳаллаларда иқтисодий барқарорлик ва фаровонлик ошди.

Узоқ муддат чет элга ишлаш учун кетган мигрант фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва қайтганларни иш билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилда 253 киши хорижга ишга юборилди. Қайтиб келган 523 нафари иш билан таъминланди.

Туманда 17 564 та оила бўлиб, шундан 30 ёшгача бўлган оилалар сони 8 582 тани ташкил этади. Ўтган 10 ой давомида 380 та никоҳ қайд этилган. Оилавий ажралишларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда турли тадбирлар ва тренинглар ўтказилмоқда. Бу тадбирлар натижасида ажралишлар сони сезиларли даражада камайди. Бу эса оилавий барқарорлик ва фаровонликнинг ошишига хизмат қилмоқда.





Маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича маҳалла фаоллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Натижада жиноятчилик даражаси 15 фоизга камайди. Бу ишлар маҳаллаларда хавфсизлик ва тинчликни таъминлашга ёрдам бермоқда.

Тумандаги 18 та маҳаллада “Маҳалла боғлари” ташкил қилиниб, ҳар бири кам таъминланган оилаларга бириктириб берилди. Эндиликда ушбу оилалар “Маҳалла боғлари”дан унумли фойдаланиб, оиласига даромад келтиради. Яшил маконлар эса маҳаллаларда экологик муҳитни яхшиламоқда.

Келгусида маҳаллаларда янги иш ўринларини яратиш, фуқароларни миграцияга юбориш ва қайтганларни иш билан таъминлаш, оилавий ажралиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш, яшил маконларни барпо этиш ишлари давом эттирилади. Бу борада янги лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Маҳаллалар ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини ошириш учун барча имкониятлар сафарбар этилади.

СОЛИҚЧИ – КУМАКЧИ

“Маҳаллабай” ишлаш фақат манфаат келтиряпти

Жаҳонгир АСҚАРОВ, Косонсой туманидаги “Мажнунтол” ва Абдураҳмон Жомий номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.



Солиқ ундирувларни ёлғиз ўзимиз эмас, “еттилик” кўмагида ҳал этяпмиз.

Солиқ инспекторларининг “маҳалла еттилиги” таркибига қўшилиб, “маҳаллабай” ишлаши барча учун манфаатли бўлмоқда. Аввалларри, битта солиқ ходими ўнта маҳаллага бириктирилган бўлса, ҳозир иккита-учта йиғин аҳолиси билан ишлаяпмиз. Солиқ ундирувларни ёлғиз ўзимиз эмас, “еттилик” кўмагида ҳал этяпмиз.

Дастлабки фаолиятимиз давомида маҳаллаларда қўшимча даромад манбаларини яратиб, маҳаллий бюджет тушумларини ошириш учун тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда бўлиб, солиқ тўловчиларни хатловдан ўтказдик. Фуқароларга солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб, ҳуқуқий саводхонлигини оширяпмиз. Айниқса, “Мажнунтол” ва Абдураҳмон Жомий номидаги маҳаллалардаги 838 нафар ер солиғи ва 1 020 мол-мулк солиғи тўловчисига солиқ тушумларининг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолишини, ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратишга, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилишини кенг тарғиб қиляпмиз.

Бундан ташқари, тадбиркорликка қизиқувчи ёки фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган субъектлар билан манзилли ишлаяпмиз. Шунингдек, уларга онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслиги айтилмоқда.

Абдураҳмон Жомий номидаги маҳалла туман марказида жойлашгани учун бу ерда савдо-сотиқ, тўқимачилик соҳаси яхши ривожланган. Қолаверса, “Косонсой” деҳқон ва кийим-кечак бозорлари бор. Бугунги кунда ҳар икки маҳалла тадбиркорликка ихтисослаштирилмоқда. Айни пайтда 72 та юридик шахс, 3 та боғдорчилик фермер хўжалиги ҳамда 804 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. Шунингдек, 188 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларда полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. 987 нафар фуқаро турли соҳаларда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди.

Хатлов жараёнида 66 та объект аниқланиб, қўшимча 54,6 млн. сўм солиқ тушуми ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 71 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган 75 нафар тадбиркор рўйхатдан ўтказилди. 17 та корхонада норасмий ишлаётган 38 нафар ишчининг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди. Натижада 101,4 млн. сўм қўшимча манба аниқланди. Жорий йил якунига қадар биргина жисмоний шахсларнинг тураржой объектларидан 257,8 млн. сўм ундирилиши кутилмоқда. Шунинг 25,8 млн. сўм миқдори маҳаллалар бюджетида қолади.

Меҳнатга яраша рағбат оляпмиз. Самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича октябрь ойи якуни билан 100 фоиз кўрсаткични қайд этиб, Солиқ қўмитаси раҳбариятининг ташаккурномаси билан рағбатлантирилдим. Келгуси фаолиятимда ҳам қўшимча манбалар яратиб, солиқ тушумларини ортиғи билан бажаришга ва берилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

РЎЙХАТДАН ЎТМАСДАН ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛИШ МУМКИН, БИРОҚ...

2025 йил 1 январдан бошлаб, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкциялар бекор қилинади*(жарима – бундай фаолиятдан олинган даромаднинг 10 фоизи, лекин 1 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда)*.

Бироқ маъмурий жавобгарлик сақланиб қолинади. Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдори *(БҲМ)*нинг **5 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Фискал белгиларни акс эттириш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинади. Шу билан бирга, автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш ва солиқ органларига тегишли ахборот бериш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик сақланиб қолади *(мансабдор шахсларга – БҲМнинг 100 баравари)*.

Қонунчиликда мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган товарларни *(маҳсулотларни)* ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинади. Бироқ бундай ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексида назарда тутилган молиявий санкциялар ўз кучида қолади, яъни реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 2 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Шу билан бирга, ходимлар сонини яширганлик учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинади.

Янги ўзгаришлар баъзи меъёрларни енгиллаштирмоқда, аммо қонунларга риоя қилиш муваффақиятли бизнес юритишнинг муҳим омили бўлиб қолаверади.

Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.

САЙЁР ҚАБУЛ

Мурожаатлар тингланиб, амалий ёрдам кўрсатилди

Бухоро вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Дилшод Йўлдошев Коғон туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни жойида ҳал этиш, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳудудда ишсизликни камайтириш мақсадида сайёр қабул ўтказди.

Туман халқ қабулхонаси, сектор раҳбарлари, “маҳалла еттилиги” ва тегишли ташкилот вакиллари иштирок этган учрашувда 25 нафардан ортиқ фуқаронинг моддий ёрдам, дори-дармон, ички йўлларни таъмирлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ турли мурожаатларининг аксарияти шу ернинг ўзида ҳал этилди. Хусусан, 5 нафар “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун субсидия асосида тикув машиналари, 6 та



ижтимоий аҳволи оғир оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, 2 нафар ногиронлиги бор шахсга аравача ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилди.

Шу куни ушбу маҳаллада хотин-қизлар ҳамда ишсиз аҳолига касб ўргатиб, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Ишга марҳамат” мономарказининг очилиши бўлди. Эндиликда ушбу марказда хотин-қизлар тикувчилик бўйича ўқитилиб, уларга сертификатлар берилади. Маҳоратига қараб, доимий ишга жойлаштирилади. Тадбирда тикувчилик ҳунарини пухта эгаллаган марказнинг биринчи 5 нафар битирувчи хотин-қизига сертификат топширилди.

Бу каби ишлар аҳолининг мушкулини осон қилиш, камбағал оилаларни бу тоифадан чиқариш, ишсиз аҳолини доимий иш билан банд қилишга хизмат қилади.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ, Бухоро вилояти солиқ бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.



ОМБУДСМАН: оғир касалликка чалинган 2 нафар маҳкум жазони ўташдан озод қилинди.



Одам савдоси жиноятини ТЕРГОВ ҚИЛИШ устидан прокурорлик назорати кучайтирилади.



Хитой билан ҳамкорликда Андижонда ЭЛЕКТР СКУТЕР ишлаб чиқарилади.

ЖАРАЁН

Каттақўрғонда 204 та оила камбағалликдан чиқарилди



Абдулла РАҲМОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Каттақўрғон шаҳар бўлими бошлиғи.

Бугунги кунда Каттақўрғон шаҳрида тўқсон мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Аввало, аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектларига доир жами 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича барча маҳаллаларнинг баланси шакллантирилди.

Маҳаллаларнинг “Омбор китоби” шакллантирилиб, манзилли ишлар бажарилди. Маҳаллаларни рақамлаштириш орқали аҳолига қулайлик яратиш, маҳалладан туриб давлат ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш, барча давлат органларига мурожаат қилиш ва маълумотларнинг ягона базасини юритиш мақсадида “Рақамли маҳалла” платформаси яратилди.

Ортда қолган ўн ой давомида “маҳалла еттилиги”, сектор раҳбарлари, тижорат банклари ва ҳокимликлар ҳамкорлигида 10 минг 215 нафар фуқаро ишли қилинди. Жумладан, 843 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди. 131 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. 3 503 нафарига кредит, 84 нафарига субсидия маблағлари ажратилди. 3 106 нафари ўзини ўзи банд қилиш йўналишларига жалб этилди.

“Сайхунобод тажрибаси”дан келиб чиқиб, хонадонларда интенсив боғлар, паррандачилик, балиқ етиштириш, асал экспорти каби йўналишларда фаолият йўлга қўйилди. Шунингдек, 806 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 40 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, 822 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, 15 минг 963 та камбағал оиладан 204 таси камбағаллик даражасидан чиқарилди.

Аҳоли мурожаатлари тизимли ўрганилмоқда. Жорий йил 36 та маҳалладаги 542 та кўча ва 19 минг 883 та хонадонда аниқланган муаммоларнинг 1 132 таси (93,6 фоизи) ҳал этилди. Жумладан, 34 км. ички йўллар асфальтланди. 1 588 та симёғоч алмаштирилиб, қўшимча 1 010 та бетон устун ва 67 та трансформатор қўйилди. 91 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. 4 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, 2 та сув иншооти таъмирланди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли доимий эътиборда. Шу боис, ушбу тоифадаги 3 038 нафар фуқарога моддий, ногиронлик аравачаси, протез-ортопедия, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

“Маҳалла еттилиги” доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқаролар билан мунтазам онлайн мулоқотлар ташкил этиб, зарур ёрдамлар кўрсатмоқда. Хусусан, 9 нафарининг ҳужжати тикланди, 1 нафарига уйига қайтиб келиш учун йўлкира харажати тўланди. 41 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Қайтиб келганлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, бандлиги таъминланмоқда. Германияда ишлаш истагини билдирган ёшлар орасидан саралаб олинганларга немис тилини бепул ўқитиш амалиёти йўлга қўйилди.



Ҳар бир маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси эрталаб мактаб директори билан бирга, ўқувчиларни кутиб олиши ва давомат билан шуғулланиш амалиёти жорий этилди. Натижада мактабларда давомат ўртача 95,9 фоизга ошириш ва ўқувчиларни таълимга қайтариш чоралари кўрилди.

Каттақўрғон шаҳрида бу борадаги амалий ишлар давом этмоқда. Жумладан, йил охирига қадар “Сайхунобод тажрибаси” асосида 3 806 та кам даромадли хонадонга 70 млрд. сўм миқдорида 7 хил лойиҳа пакетлари тақдим қилиш орқали 5 182 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, 58 минг 744 тада хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилади, 5 647 та хонадонда қўшимча даромад манбаи яратилади. Хусусан, 25 та хонадонда иссиқхона, 5 тасида асаларичилик, 170 тасида паррандачилик, 146 тасида чорвачилик, 277 тасида бошқа йўналишлар ташкил этилади.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Нотинч оилалар яраштирилди, бир бола васийликка олинди

Ислом НАЗАРХОНОВ, Мўйноқ туманидаги “Мўйноқ” маҳалласи профилактика катта инспектори, капитан.

“Мўйноқ” маҳалласи — туманнинг бош дарвозаси ҳисобланади. Бу ерда “Мўйноқ” деҳқон бозори, туман марказий шифохонаси ва саккизта давлат ташкилоти жойлашган. Шу боис, уч мингдан ортиқ аҳолининг аксарияти ушбу ташкилотларда ва бозорда турли юмушлар билан банд.

Ҳудуддаги битта умумтаълим мактаби ва давлат мактабгача ташкилотида оила фарзандлари таълим-тарбия олмоқда. Йиғинда Устюрт газ қазиб чиқариш бошқармаси ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ ходимлари яшайдиган катта ётоқхона бўлгани учун бу ерга келиб-кетувчилар кўп. Бу елкамиздаги масъулиятни янада оширади.

Аввало, ҳудуд хавфсизлигини таъминлаш учун маҳаллага кириб чиқадиган асосий кўча бошига замонавий видеокузатув қурилмаси ва иккита марказий кўчага тунги ёритгич чироқлари ўрнатдик. Фаол ёшлар иштирокида тунги навбатчилик назорат тадбирини йўлга қўйдик. Бемақсад юрганларнинг шахсини хизмат планшети ёрдамида жойида аниқлаб, улар билан тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Нотинч, жиноятчиликка мойиллиги бор ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаяпмиз. Жорий йилнинг апрель-октябрь ойларида 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролар иштирокида содир этилган 38 та майда безорилик бўйича маъмурий жавобгарлик қўлланилди. Ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми спиртли ичимлик ортидан келиб чиққан. Бунга сабаб, юқорида айтганимдек, маҳаллага республикамизнинг турли ҳудудларидан келиб-кетувчилар кўп.

Иккита нотинч оила



билан тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориб, оила бекасига ҳимоя ордери бердик. Ушбу оилалар юзасидан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига тақдимнома киритиб, уларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритдим. Ҳозир ҳар икки оила тинч-тотувликда яшамоқда. Шунингдек, отаси спиртли ичимликка берилган, онаси бошқа турмуш қурган бир нафар вояга етмаган болани бувисига васийликка олиб бердик.

Фаолиятимиз давомида мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу борада “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида ишлаб, ҳар пайшанба куни ўқувчилар билан турли мавзуларда учрашувлар ўтказиб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб боряпмиз.

Бундан ташқари, фуқароларни чет элда ишлашга тартибли ва хавфсиз жўнатиш, юртимизга қайтганларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашяпмиз. Ҳозир йигирмадан ортиқ фуқаро Россия ва Қозоғистон Республикаларида меҳнат қилмоқда. Ҳар ой улар билан ижтимоий тармоқлар орқали мулоқотда бўлиб, ишлаш ва яшаш шароитларидан хабардор бўлиб боряпман. Фуқароларга турли фирмалар орқали хорижга юбориш бўйича олиб борилаётган тарғибот-рекламаларга эҳтиёт бўлишлари, алданиб қолмасликларини тушунтиряпмиз. Ўйлайманки, ана шундай тарғибот ишларини олиб борсак, ҳеч бир фуқаро фирибгарлар тузоғига тушиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан айрилмайди.

Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Ана шу тинчликни таъминлаш учун бор билим ва тажрибамдан фойдаланиб, маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантирдик. Бундан кейин ҳам тарғибот ишларини янада кучайтириб, ҳудуд осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз мўйноқликлар хизматида бўламан.

СУД ҲУКМИ

ҲАШАМАТДА ЮРГАН БИЛАН ПУЛ ОСМОНДАН ЁҒИЛМАЙДИ

Азиз охирини чуқур ўйламай-нетмай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш билан шуғулланишни режалаштириб, “Mercedes Benz-500” автомашинасини гаровга қўйди-да, банкдан катта миқдорда кредит олди. Бироқ режалаштирган иши фойда келтириш ўрнига қарз гирдобига торта бошлади.

Қарз у кимдан, қаердан олинишига қарамай, тўланиши шарт. Азиз саккиз ой амалтақал қилиб, белгиланган суммани тўлаб келдию, аммо тўққизинчи ойга келганда сувга тушган нондек шалвираб қолди. Чўнтак бўм-бўш, келадиган даромади йўқ. Катта умид боғлаган иши чаппасига кетди. Ҳашаматли автомашинасини у ёқдан-бу ёққа кўз-кўз қилиб учиртириб юргани билан пул осмондан ёғилмади. Азизнинг боши қотди. Бу ёқда тўланмаган ойлар учун пеня ёзиляпти. Автомашинасини сотай деса, шунча “обрў”ни йўқотиш, ошна-оғайнилари олдида кулгу бўлиш...

Қандай қилса, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам... Узоқ ўйлаган Азиз автомашинасини сотувга қўйди. 3 март куни харидор Анвар қўнғироқ қилиб, суҳбатлашди ва ўша куни қаҳвахоналардан бирида учрашиб, машинани обдон кўздан кечирди. Азиз унинг гаровга қўйилгани ҳақида чурқ этмади. Машина 38 000 АҚШ долларига баҳоланди. Анвар Азизга 20 000 АҚШ доллари берди ва эртаси куниёқ автомашинани нотариус орқали расмийлаштириб беришини, қолганини ўша ерда тўлашини айтганида Азиз ҳужжатларда озгина камчиликлар борлиги, уларни тўғирлаш учун 20 кун муҳлат сўради. Шунча пулни берган Анвар эҳтиёткорлик қилиб, “ундай бўлса, расмийлаштирган кунимиз тўлиқ пулларни оласиз”, деганида, Азиз унга фақат ҳайдаш ҳуқуқини берадиган ишончнома расмийлаштиришга мажбур бўлди, лекин автомашинани бермай, ўзи ҳайдаб юрди.

27 март куни Азиз Анварга банкдан қарзи борлиги, автомашина гаровга қўйилганини айтишга мажбур бўлади ва автомашинани расмийлаштириш ва банк қарзини тўлаш учун ялиниб-ёлвориб, яна етти минг АҚШ доллари олади-да, автомашинани бериб юборишдан бошқа чораси қолмайди.

Аммо олган пулларни банк қарзига тўламай, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади. Ноябрь ойига келиб қарзлари яна кўпайиб кетади. Унгача пиёда қолган Азиз автомашина ўзининг номида эканидан фойдаланиб, уни қидирувга беради ва Анвардан уни олиб қўяди. Анвар ички ишлар органларига мурожаат қилгунича, Азиз чаққонлик қилиб, алдов йўли билан автомашинани аввал Қурбонга 23 600 АҚШ долларга, сўнгра Шуҳратга 30 000 АҚШ долларга сотиб юборади.

— Азиз илгари 2010 йилда ҳам ўғрилик жинояти учун судланган бўлишига қарамай, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг молини қўлга киритиш мақсадида яна жиноятга қўл уради, ***– дейди Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси, подполковник Беҳзод Ўнгбаев.*** *– Банкдан олган қарзини фирибгарлик йўли билан ўзгалар ҳисобидан тўлашни режалаштирган Азиз автомашинасини ундан олиб бунга, бундан олиб унга бераверіб, ўзи ҳам адашиб кетган. Агарда жабрдийдалар ўз вақтида ички ишлар органларига мурожаат қилишмаганда бу найранги қачонгача давом этарди, ўзига аён.*

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди Х.Анварнинг қилмишини кўриб чиқиб, Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” банди (“Фирибгарлик”) билан айбли, деб топди. Унинг қилмишига пушаймонлиги, жабрдийдаларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, оиланинг ягона боқувчиси эканини инобатга олиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди.

Нилуфар ИСОХОНОВА, Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот хизмати бошлиғи.



2018 йилдан буён 31 мингта НОДАВЛАТ БОҒЧА ташкил этилган.



Ўзбекистонда МЕВА ВА САБЗАВОТЛАР экспортидан тушган даромад 29,8 фоизга ошган.



Хиёбонларни хусусийлаштиришни ТАҚИҚЛОВЧИ ҚОНУН лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

БИР НАЗАР

Билдирилган ишончни унутишга ҳаққимиз йўқ

Туманимизнинг “Гулбозор” маҳалласи ўзида ўтмишнинг чизгиларини сақлаб қолгани боис сайёҳлик масканига айлантирилди. У ерда бундан бир аср аввал қурилган уйлар асл ҳолатидек сақланиб қолган. Айланиб кирган киши борки, ўзини тарихий гўшага тушиб қолгандек ҳис қилади. Хонадонларнинг дизайнидан тортиб, тор кўчаларгача сайёҳлар эътиборини тортмай қолмайди.

Розиқжон ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Шайхонтоҳур тумани бўлими бошлиғи.

Ҳудудни қайта ташкил этиш чоғида Ботир Маматқулов оиласи билан истиқомат қилиб келаётган, кадастр ҳужжатлари бўлмаган бинони бузишга тўғри келиб қолди. Бундай шароитда маҳалла қўл қовуштириб тургани йўқ. Оилани муносиб бошпана билан таъминлаш мақсадида 2 сотихли бўш турган ерга 5 хонали иморат қуриб берилди. Хоналарини тўлиқ таъмирдан чиқариб, яшаш учун керакли бўлган барча шароитлар ҳозирланди. Бундан ташқари, уй фуқаронинг номига расмийлаштирилди.

Шундай вақтда қўни-қўшни ва маҳалла-қўйнинг бир-бирига қанчалик кўмакдош экани яққол намоён бўлар экан. Одамлар битта бўлса ҳам ғишт теришга ёрдамим тегсин, деб ҳашарда жонбозлик кўрсатишди.

Мазкур ҳудудда истиқомат қиладиган Қаршиевлар оиласи биринчилардан бўлиб 11 ўринли меҳмон уйи очишга эришди. Маҳалла тавсияси билан берилган 33 миллион сўм кредит эвазига миллий таомлар тайёрланадиган ошхона ҳам қуришди. Ҳозир маҳаллага келаётган сайёҳлар учун аъло даражада хизмат кўрсатиб келмоқда.

Айни вақтда “Гулбозор” маҳалласида мазкур йўналиш бўйича фаолият олиб бораётган тадбиркорлар 12 нафарни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос услуб ва йўналишга эга. Ташриф буюраётганлар кўрсатилаётган хизмат ва яратилган шароитдан хурсанд.

Туман миқёсида умумий миқдорда 2 минг 941 нафар ишсиз аниқланган бўлиб, уларнинг бандлигини таъминлаш учун “маҳалла еттилиги” туну кун ҳаракат қиляпти. Тижорат банклари билан ҳамкорликда уларнинг 1 минг 420 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

Абдурасул Муҳаммаджонов новвойлар оиласида туғилиб, вояга етган. Шу кунга қадар ота мерос ҳунар ортидан яхшигина даромад топиб келаётган эди. Маҳалла ва ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан икки қаватли бино қуриб, фаолиятини янада кенгайтирди. Тандирдан узилаётган иссиққина ўзбекча нонлар аҳоли дастурхонини безабгина қолмай, келаётган меҳмонларнинг ҳам раҳматига сазовор бўлмоқда.





Туманимиздаги 51 та маҳаллада иш олиб бораётган 36 нафар ижтимоий ходим ҳудудларда “Туёқли” тажрибаси асосида 8 та йўналиш бўйича ўз режасини шакллантирган. Кам таъминланган аҳоли вакилларини оғир вазиятдан чиқариш бўйича қувонарли натижаларга эришилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, таълим, спорт ва маданиятга жалб қилиш орқали ижтимоийлашувига эришиш асосий мақсад қилиб олинган.

Туманда бугунги кунда 7 минг 252 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилаётган бўлиб, уларнинг 517 нафари протез-ортопедия ва реабилитация қилишнинг техник воситалари ҳамда 612 нафари реабилитация хизматларига муҳтож. Бу кўрсаткични олиб борилаётган амалий ишлар натижасида тобора камайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 44 нафар ёлғиз кексаларнинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлиги таъминланмоқда.

Бугунги ривожланиш ва янги даврга қадам қўйиш чоғида маҳалланинг зиммасига катта масъулият юкланган. Бу билдирилган ишончни бир он бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ. Эркин ва фаровон жамият қуриш учун қанча меҳнат қилсак, қанча жонбозлик кўрсатсак кам.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

“Тақдир синовидан қатъи назар, албатта, кўмак берамиз”

Болаликдан ногиронлиги бўлган Иқболжон Аҳмаджонов хонадонига кирганимизда, ишлаш истаги борлигини билдирди. Бир неча йиллар давомида туман газ таъминоти бўлимида фаолият олиб бориб, кейин айрим сабабларга кўра, бекор бўлиб қолган. Икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ҳаракат қилиши кераклигини тушуниб етган эди.

Ирода ФОЗИЛОВА, Марҳамат туманидаги “Гулистон”, “Эрши” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Шундан сўнг фуқарога электрон юритмали арава берилди. Хоҳиш ва истагидан келиб чиққан ҳолда, Давлат хизматлари агентлиги Марҳамат тумани бўлимига ишга жойлаштирдик. Ҳозир 2 миллион 700 минг сўм миқдорида маош олади. Қолаверса, 1 миллион сўмдан кўпроқ ногиронлик нафақасига эга. Энг муҳими, бир жойда ўтириб қолгани йўқ. Рўзғорини ўзи юритяпти.

Иқбол аканинг турмуш ўртоғи ҳам 2-гуруҳ ногирони. Унга мурожаатига асосан, ортопедик пойабзал олиб берилди. Бундан ташқари, субсидия асосида тикув машина тақдим қилинди. Айни вақтда буюртмага кўрпа, кўрпача ва ётоқ тўпламлари тикиш билан вақтини мазмунли ўтказмоқда.

Доим шу оиладан хабар олгани борсам, хурсанд бўлиб қайтаман. Ҳар сафар қандайдир янгилик билан қарши олишади. Тинимсиз ўз устида ишлаб, даромадини оширишга ҳаракат қилишяпти.

Маҳалла тизимида ишлаб, турли тақдир ва кечмишларга гувоҳ бўляпман. Яқинда чекка жойда, ташландиқ бинода 6 ёшли ўғли билан бирга яшаётган аёл ҳақида хабар топдим. Вазиятга ойдинлик киритиш учун у билан анча суҳбатлашдик. 18 ёшида оилали эркакнинг алдовларига ишониб, хатога йўл қўяди. Фарзандини қучоғига олгандан кейин турмушидан ажрашиб, тоғасининг уйида яшаётган онаси уни қабул қилмайди. Боришга жой топа олмай, шундай оғир шароитда кун ўтказаётган экан.

Аёлга бир марталик ёрдам пули берилди. Бундан ташқари, ўғлига болалар нафақаси тайинлаб, мактабгача таълим ташкилотига имтиёзли равишда жойлаштиришни режалаштирганмиз. Фуқаро айни вақтда холасининг дўконида сотувчи бўлиб ишлаяпти. Кунига топаётган 40-50 минг сўм даромади рўзғорини тебратиш учун аранг етади. Алимент олишдан воз кечган. Унинг шароитини яхшилаш мақсадида доимий бандлигини таъминламоқчимиз. Бир хусусий клиникада тозаловчи ходим штати бўш экан. Вақтинчалик ўша ерда ишлаб турса, кейин олий таълимда таҳсил олиши учун йўналтирмоқчимиз.











Инсоннинг бошидан қандай кунлар ўтмасин, ўтмишида йўл қўйган хатоларига қарамай, биз қийналганларни қўллаб-қувватлашдан чарчамаймиз. Энг муҳими, улар хатосини англаб етган. Бундан буён қадамини ўйлаб босиши кераклигини яхши билади.

Фаолиятимни бошлаганимдан буён 16 та кейс очилди. 12 тоифадаги фуқаролар учун барча керакли хизмат ва ёрдамларни кўрсатиб келяпмиз. Одамлар ҳам маҳалла тизими кўплаб муаммоларни жойида ҳал қилиб беришига тобора ишонч ҳосил қилиб боряпти.

Ҳудудимизда истиқомат қиладиган яна бир аёл тақдир синовларини бошдан кечиряпти. Турмуш ўртоғи бахтсиз ҳодиса сабабли вафот этгач, 2 ва 4 ёшли фарзандлари билан ёлғиз қолди. Айни вақтда қайнонасининг уйида яшаяпти. Ўғли бетоблиги боис яқинда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Бунинг учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 1 миллион сўм маблағ ажратилди. Фуқарога боқувчисини йўқотганлик ҳамда болалар нафақаси тайинланди. Келгусида тикувчилик соҳасида ўқиб, уйида ўтирган ҳолда даромад топишни мақсад қилган.

Эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган одамлар билан ишлаганда, аввало, унинг ўрнига ўзимни қўйиб кўраман. “Шундай вазиятда қандай йўл тутган бўлардим?”, деган саволга жавоб топганимдан кейин ўша фуқарога ёрдам беришни бошлайман. Ким ва қандай вазиятда эканидан қатъи назар, биринчи навбатда, жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришга ҳаракат қиламан.

Шу кунларда уй таълимига жалб қилинган, 11-синфда таҳсил олаётган бир болани ахборот технологиялари курсларига йўналтириш устида ишлаяпмиз. Ҳомийлар кўмаги билан замонавий компьютер олиб бермоқчимиз. Унга шу таклифни билдирганимда, қувончдан ичига сиғмай кетди. Аслида бу менинг ҳам катта ютуғим. Инсонларга йўл кўрсатиб, ёрдам қўлларини узатишдан ортиқ бахт бўлмаса керак дунёда...

ФАРОВОНЛИК САРИ

КУНИГА 300-350 МИНГ СЎМ ДАРОМАД КЕРАКМИ?..

Ховослик Мажиддин Мустафоқулов беданачиликни йўлга қўйиб, шу соҳа ортидан ўз оиласи фаровонлигини таъминлаб, бозорларимизнинг тўкин-сочинлигига ҳисса қўшиб келмоқда.




Қаҳрамонимиз бир йилдирки, бедана боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланиб келади. Ҳозирги кунда унинг мўъжазгина хонадонида салкам уч минг бош бедана парваришланмоқда.

— Айни пайтда мингга яқин бедана тухумга кирган, улар ҳар куни 750-800 дона тухум қилади. Бу кунига 300-350 минг сўм даромад бор, дегани ***— дейди Мажиддин ака.***

Унинг қайд этишича, бедана полапонларининг қарийб 98 фоизи яшаб кетади. Жуда тез ривожланади, 35-40 кунда тухумга киради. Касалликларга анча чидамли. Озуқасини вақтида бериб, меҳр билан парвариш қилсангиз, бас. Вақтингизни кўп олмайди. Гўшти ва тухумининг шифобахш хусусиятлари сабаб уларга талаб доим юқори. Бедана боқишга кетган харажат бир неча ҳисса даромад билан ўзини оқлайди.

Мажиддин ака беданачиликни маҳалласидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ўргатиб, уларга кўмаклашишга ҳамиша тайёр.

ИМКОНИЯТ



“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандлари таълим олишлари учун имкониятлар кенгайтирилади.

Бу жараёнда:

а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида ўзлаштириш кўрсаткичи:

80 фоизидан юқори бўлган талабаларга кейинги ўқув йили учун давлат гранти тақдим этилади;

70 фоизидан юқори бўлган талабаларга кейинги ўқув йили учун фоизсиз таълим кредити ажратилади;

б) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб давлат грантига қабул қилиш учун зарур бўлган балларнинг 90 фоизини тўплаган талабаларга давлат гранти берилади. Бу жараёнда давлат гранти квотасининг 10 фоизгача бўлган қисми Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандлари учун йўналтирилади.



Оғир атлетикачимиз ҲИКМАТИЛЛО ҲАЙДАРОВ Бишкек турнирида иккинчи олтин медални қўлга киритди.

Бугун — 30 ноябрда Тошкентда ХАЛҚАРО ҚИЛИЧБОЗЛИК ФЕДЕРАЦИЯСИ (FIE) конгресси бўлиб ўтади.



БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ 2025 йил 6 февраль куни Канадада франциялик Дэвид Спильмонтга қарши рингга чиқади.

ҲУҚУҚ

АЁЛ ЗЎРАВОНЛИКДАН ХОЛИ ҲАЁТ КЕЧИРИШГА ҲАҚЛИ

Аёлларга нисбатан зўравонлик замонавий жамиятда энг кенг тарқалган инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолатларидан бири саналади. Бу ҳолат бутун дунё бўйлаб миллионлаб инсонларга таъсир кўрсатмоқда.



Гавҳар ҚАРШИЕВА,
Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институтининг Ёшлар иттифоқи хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси.

2022 йилнинг ўзида деярли 89 минг нафар аёл ва қиз зўравонлик оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг аксариятига яқинлари ёки оила аъзолари жабр етказган. Ўзбекистонда 2021-2022 йилларда зўравонликнинг 72 мингдан ортиқ ҳолати қайд этилган бўлиб, уларнинг 87 фоизи оилада содир бўлган. Ҳозирда психологик зўравонлик ҳолатлари жисмоний зўравонликка қараганда кўпроқ учрамоқда.

Ҳар йили 25 ноябрдан 10 декабргача бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам "Гендер асосидаги зўравонликка қарши 16 кун фаоллик" кампанияси ўтказилади. Бу кампания аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун жамиятнинг барча қатламлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга чорлайди.

Биз бу борада кўпроқ ишлашимиз даркор. Қонуний ҳимояни кучайтириш, ёрдам хизматларига имкониятни яхшилаш ҳамда жабрланганларга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш учун хабардорликни ошириш вақти келди. Келинг, ҳар бир аёл ва қиз зўравонликдан холи ҳаёт кечирадиган келажакни биргаликда барпо қилайлик. Адолат ва хавфсизлик учун ҳаммада имконият бўлиши керак.

ЭЪТИБОР

ФАОЛ НУРОНИЙЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга оширишга фаол нуронийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга кўра, маҳаллаларда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли **уч нафар фаол нуроний бешта камбағал оилага** бириктирилади.

Оилаларни камбағалликдан чиқаришда нуронийларнинг асосий фаолият йўналишларида қуйидагилар амалга оширилади:

— хонадон **томорқасидан самарали фойдаланиш** ва кичик ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа зарур техника воситаларини бўлиб тўлаш шарти билан ижарага олишга ёрдамлашиш;

— оила фарзандларини ҳунарманд ва усталарга **шогирдликка бириктириш,** шунингдек, ушбу оилаларнинг таълим муассасаларида ўқиётган фарзандларини ўқув жиҳозлари ва қуроллари ҳамда спорт кийимлари билан таъминлаш;

— **пиёда юриш** маданиятини тарғиб қилиш.

Фаол нуронийлар ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **50 фоизи** миқдорида рағбатлантириб борилади.

Кекса ёшдаги фуқароларни спортга жалб қилиш учун **ҳар бир маҳаллага йилига 10 миллион сўм** миқдорида маблағ ажратилади.



Раис шижоат қилса, бирорта ишсиз қолмайди

Қаерда раҳбар курсисидан тушиб, халқ ичига кириб борса, ўша ерда ўзгариш ва янгиланиш рўй беради. Одамларнинг дардини тинглайдиган, муаммоларига муносиб тарзда ечим топадиган мутасадди ишида унум ва барака бўлади. Шу маънода доим аҳоли билан бирга бўлишга ҳаракат қиламиз.



Зиёвуддин АСРАНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Андижон шаҳар бўлими бошлиғи.

Андижон шаҳридаги 94 та маҳалланинг ҳар бирида аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, ёшлар билан ишлаш, фуқаролар бандлигини таъминлаш тизими самарали ташкил этилган. Хатлов натижасида аниқланган 13 минг 417 нафар ишсиз фуқаро ҳамда жорий ўқув йилида умумтаълим мактабини тамомлаётган 1 минг 812 нафар битирувчининг бандлигини таъминлаш бўйича маҳалла, сектор, туман ва вилоят кесимида махсус дастурлар тайёрланди.

Билаги кучга тўлган, тоғни урса, талқон қилгудек ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш билан маҳалла, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Аввалларикўчада, дўкон олдида бекорчиликдан гап сотиб ўтирадиган йигитлар бугун ўша вақтлар умрини беҳуда совурганини тушуниб етишган. Энди улар касб-ҳунар ўрганиш, билим олиш орқали қувонарли натижаларга эришмоқда.

Шаҳримизни обод масканга айлантириш, фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида тизимли тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, "Боғи эрам" маҳалласида шу вақтгача электр таъминотида жуда кўп узилишлар кузатилаётган эди. Симёғочларнинг эскиргани аҳоли учун анчагина ноқулайликларни юзага келтираётганди. Мутасаддиларнинг саъй-ҳаракати билан мазкур муаммони бартараф этиш йўлида 32,9 км. электр узатиш тармоқлари тортилди ҳамда 56 дона трансформатор пунктларини йил охирига қадар қуриб битириш ишлари бошлаб юборилди.

"Ғайрат" маҳалласи туманимизнинг энг илғор ҳудудларидан саналади. Маҳалла раиси Дилбархон Йўлдошеванинг ташаббуси ва интилувчанлиги билан ҳудудда бирорта ишсиз фуқаро қолмаган. Хусусан, Шаҳзода Маматова 10 нафар ишчиси билан уйида тадбиркорликни бошлаган эди. Айни вақтда вилоят ҳокимининг ёрдами билан бўш турган бинода фаолиятини давом эттирмоқда. Ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ниятида 33 миллион сўм ва 100 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олди. Бундан ташқари, субсидия асосида 5 тўплам тикув машинаси тақдим қилинди. Қўли гул чеварлар тикаётган трикотаж маҳсулотлари республикамизнинг турли ҳудудларига етказиб берилишидан ташқари, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Тадбиркор келажакда иш кўламини янада кенгайтиришни мақсад қилган.



Абдусаттор Йўлдошев ўз маблағи ҳисобидан "Сайхунобод тажрибаси" асосида асалари, товуқ, кабутар ва қўй боқишни йўлга қўйган. Ўзи шифокор бўлишига қарамай, бўш вақтида севимли машғулоти ортидан катта даромад топяпти.

Ҳудудимизда расмий иш ўрнига эга бўлмаса-да, ўзини ўзи банд қилган кишилар жуда кўп. Кимнингдир бекор ўтиргани аниқланса, маҳалла раиси, ёшлар етакчиси ва ҳоким ёрдамчиси билан бирга фуқарони қизиқишига қараб, бирор соҳага йўналтирамиз. Йўлини топиб олганларнинг даромади ошиб, шароити тобора яхшиланяпти.

Маҳаллалар ривож топишида "еттилик"нинг ҳиссаси катта аҳамиятга эга. Шунинг учун учрашув ва тадбирларда мутасаддиларнинг режа ва мақсадлари билан қизиқаман. Муаммоларни бирга ҳал қилиб, ютуқларга ҳамкорликда эришяпмиз.

МАНЗАРА

Қўрқув ва гумонлар чекинган, ташаббус ва ғайрат кўпайган

"Тошҳовуз" маҳалласи тумандаги кўзга кўринган, йилдан-йилга ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бераётган ҳудудлардан ҳисобланади. Челак шаҳарчасининг марказида жойлашган мазкур маҳаллада хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.



Ширинбой МАМАДАЛИЕВ,
журналист.

Зуҳра Фатлиева — тадбиркор, ишбилармон аёллардан бири. У маҳалла идораси жойлашган бинонинг ертўласида "Сезем" оилавий тикувчилик корхонасини ўз маблағи ҳисобидан ташкил этган. Ҳозирги кунда аёллар либослари, кўрпача, парда ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Айни дамда 10 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган. Ишлайман, меҳнатдан роҳат топаман, деган шу каби тадбиркорлар бугунги даврда жамиятда ўз нуфузига эга бўлмоқда. Бу орқали ҳам оиласига даромад келтиряпти, ҳам эл корига яраяпти, десак адашмаган бўламиз.

Шунингдек, ишсиз хотин-қизлардан 10 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмак берилди.

— Маҳалламиз хотин-қизлари, асосан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ***— дейди хотин-қизлар фаоли Моҳичеҳра Нурманова.*** *— Бугунги кунда аёлларимиз анча фаол бўлиб, давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Келажак учун катта-катта режалар тузган. Аввалги қўрқув ва гумонлар ўрнини ишонч ва интилиш эгалламоқда.*

Ҳақиқатдан, тадбиркорлик йўналишида халққа нафи тегаётган тумандошларимиз анчагина. Мақсади аниқ, интилувчан, ўз устида ишлаётган одамгина катта марраларга эришади. Буни орамиздаги одамларнинг ҳаёт ва меҳнат фаолиятига разм солсак, яққол сезамиз.

"Туркибола" маҳалласида ҳам ислоҳотлар жадаллик билан татбиқ этилиб, самарали ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда, одамлар турмуш тарзини тубдан ўзгартириш, бандлик масаласида, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу маҳаллада ҳам фуқаролар таклиф ва ташаббусидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилган.

Парвина Абдиева — ишбилармон хотин-қизлардан. Ўз маблағига қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишга туширди. Оила аъзоларидан 4 нафарини иш билан банд қилган. Бугунги кунда аҳоли дастурхонига бир-биридан мазали пиширикларни тортиқ қилиб, оила бюджетига сезиларли даражада фойда келтирмоқда. Ширинликларнинг ажойиб тарзда безатилгани, беқиёс таъми харидорларда ўзгача таассурот қолдирмоқда.

— Маҳалламизда Дилором Тўраева, Зебо Абдуназарова, Сайёра Отабоева, Лариса Хўжақулова каби тажрибали ва шижоати баланд тадбиркорлар жуда кўп, ***— дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Наргиза Нориева.*** *— Улар яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, турли йўналишларда яхши натижаларга эришиб келаётир. Томорқадан унумли фойдаланишда Дилором Одилова маҳалладошларига чинакам ўрнак бўлмоқда. 2 сотихдан иборат 2 та иссиқхонадан яхшигина даромад қиляпти. Шунингдек, ҳовлисидаги турли хил мевали дарахтлар, сабзавотлар, полиз экинларини кўриб кишининг ҳаваси келади.*

Мадина Жумашева хотин-қизларга қулайлик яратиш мақсадида "Соғломлаштириш фитнес клуб" фаолиятини йўлга қўйди. Шу орқали соғлом турмуш тарғиботига, аҳоли саломатлиги йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Бугунги кунда нафақат туман марказида, балки чекка қишлоқларда ҳам тадбиркорлик соҳасида кўплаб хотин-қизлар бизнес режаларини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Демак, улар жамият ва юрт тараққиётида муносиб ўринга эга.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 640 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.